

Оромгоҳлар тўлар шодликка

Мактабларда ўкув машгулотлари тугаганига ҳам анча бўлди. Бир йил давомида илм ўрганиб, энг муҳим фанлардан имтиҳон топшириб толиқкан болаларни сўлим оромгоҳлар ўз бағрига чордамоқда.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириши соҳаси раҳбарлари соҳа корхоналари тасарруфидаги болалар согломлаштирини оромгоҳларини 2010 йил ёз мавсумига бекаму кўст тайёрлашга жиддий эътибор бердилар. Ҳар йилгидек, бу йил ҳам "Ўзбектелеком" АК таркибидағи "ТШТТ", "Бухоро Телеком", "Ўзи-Қарши", "Ўзи-Жиззах" филиалларида ички бўйруқлар асосида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, белтиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича тегисли ишлар олиб борилинти.

Соҳа акциядорлик компаниялари, жамиятлар, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қиласиган ходимларнинг 7дан 14 ёшгача бўлган фарзандлари сони шу йилнинг 1 апрел ҳолатига 10014 нафарни ташкил этиб, жорий йил ёз мавсумида 6216 нафар болажонни согломлаштириш режалаштирилган. Ушбу мавсумнинг муваффақиятли ўтиши учун ёёги оромгоҳларда тайёргарлик ишлари қай даражада олиб борилинти?

5-бет



Сўнгги янгилик!



Google интернет-қидириув тизими дунёning энг кўп фойдаланувчиларга эга 1000ta сайти номини эълон қилди.

Топ-1000да биринчи ўринни Facebook.com (ойни 540 миллион фойдаланувчи) эгаллади. Етакчи ўнликка Yahoo.com, Live.com, Wikipedia.org, MSN.com, Microsoft.com, Blogspot.com, Baidu.com, QQ.com ва Mozilla.com сайтлари кирган. Холислик учун Googleнинг ўзи рўйхатта кирилмади.

Рунетнинг энг "гавжум" сайтлари сифатида Yandex.ru (57-ўрин ва 38 млн. фойдаланувчи), Mail.ru (58-ўрин), VKontakte.ru (81-ўрин), Odnoklassniki.ru (118-ўрин), Narod.ru (148-ўрин) ва Rambler.ru (178-ўрин) рўйхатта кирилтган.

Алоқа оғамида:

Ушбу сонда:

- | | |
|--|-------|
| ■ Веб-сайтларнинг аҳволи қандай? | 2 |
| ■ Электрон китоб ўрнига iPad | 4 |
| ■ Изменение условий программы UZ-CERTified | 6 |
| ■ TEMPUS доирасидаги ўкув маркази | 12 |
| ■ Компьютер саводхонлиги | 13-14 |

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 май куни жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Фарғона вилоятида бўлди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовининг “2010/2011 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим мусассасаларига қабул тўғрисида”ги қарори ҳамда “Универсиада-2010” спорт ўйинлари иштирокчиларига табриги ўзлон қилинди.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси нинг Агарар ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Кшилоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиши чоралари ва йўллари” мавzuуда илмий-амалий семинар ташкил этилди.

Тошкент вилоятининг Пскент туманида “Кшилоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш жараёнига илгор инновацион технологияларни жорий этиш – тармоқни ривожлантиришинг муҳим омили” мавзууда семинар бўлиб ўтди.

Нукусда анъанавий ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперацион биржа ўтказилди. Иккى кун давом этган тадбирда Оролбўйидаги 70дан ортиқ саноат корхоналари ва хусусий тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан қатнашди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Баркамол авлод йили давлат дастури доирасида хорижий тиллар ва адабиётларни ўрганишда маданиятларро мулокотлар мавзууда ҳалқаро ишқуман ўтказилди. Унда мамлакатимиз олий ўкув юртлари профессор- ўқитувчилари, шунингдек, Буюк Британия, Гречия, Корея, Миср сингари давлатлардан келган мутахассислар иштирок этди.

Пойтахтимиздаги Ҳалқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Венгрия ишбильармон доираларининг бизнес-форуми ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбир Ўзбекистон – Венгрия савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини кенгайтиш масалаларига бағишиланди.

Бонн университети ҳузуридан Таракқиёт тадқиқотлари марказида “Оролбўй минтақасидаги экология вазияти” мавзууда давра сұхбати бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси томонидан ушбу марказ ҳамкорлигига ташкил этилган тадбирда соҳа мутахассислари ва илмий жамоатчилик вакиллари билан бирга, бу ерда изланиши олиб бораётган ўзбекистонлик ёш тадқиқотчilar ҳам иштирок этишли.

Мюнхенда Ўзбекистоннинг сайёхлик салоҳиятига бағишиланган тақдимот мососими бўлиб ўтди. Тадбирда мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси ходимлари томонидан туризм соҳаси вакилларига Ўзбекистоннинг ўзига хос тарихий-маданий ёдгорликлари, мамлакатда сайёхлик инфраструктурини такомиллаштириш борасида олиб борилган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.



Веб-сайтларниң ахволи қандай?

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ташкилотлар веб-сайтларининг ахволи ҳамда ривожлантириш истиқболлари” мавзууда семинар ўтказилди. Унда соҳа ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассислари иштирок этишли.

Семинарда Агентлик Бош директорининг ўринбосари А.Хўжаев қатнашиб, ташкилотлар веб-сайтларининг ахволи, уларнинг аҳамияти, сайтлар орқали интерактив хизматларни ўйла кўйиш, корхоналарда қоғозсиз ишлашин такомиллаштириш каби масалалар бўйича сўз юртиди.

UZINFOCOM маркази ходимлари – А.Назаров, Ш.Абдувоҳидова, О.Умаров, Ю.Ямалтинова, UzCERT хизмати мутахассиси Ю.Гуровлар ўз мәърузалирида веб-сайтлар норматив-хуқуқий базаларининг ахволи ва уни ривожлантириш, интерактив давлат хизматларини шакллантириш ва кўрсатиш, давлат органлari ахборот ресурсларининг тўлақонли фаолияти юритиши интернет фойдаланувчиларга зарур ахборотлардан тез ва ўз вақтида ҳабардор бўлиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, давлат ва жамият ўртасидаги алоқалар самараорлиги ошишига хизмат қиласди.

ТАКИДЛАНИШИЧА, сўнгги йилларда давлат органлари, корхона ва ташкилотларда компьютерлар сони ошиб бормоқда. Ходимларнинг компютер саводхонлиги ҳам етарли даражада шаклланган. Аммо бу ҳолат қоғоздан фойдаланишинг камайтишига олиб келгани ўйлар, аксинча ундан фойдаланиши янада ортган. Демакки, компютер технологиялари ҳамон ёзув машинаси вазифасини ҳам бажармоқда. Ахборот

технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда қоғозбозликни камайтириш имконияти мавжуд. Бунинг учун ташкилотларда ички ва корхоналарро электрон ҳужжат айланishi тизимларини ўйла кўйиш талаб этилади.

Мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, мобил интернет қишлоқларимизгача кириб борган. Давлат ахборот ресурсларининг тўлақонли фаолияти юритиши интернет фойдаланувчиларига зарур ахборотлардан тез ва ўз вақтида ҳабардор бўлиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, давлат ва жамият ўртасидаги алоқалар самараорлиги ошишига хизмат қиласди.

Агентликнинг 2010 йил 12 январдаги 14-сонли бўйрида соҳа ташкилотлари веб-сайтларига қатор талаблар кўйилган. Семинарда ўтироф этилишича, айрим сайтлarda мазкур талаблар ҳамон бажарилмасдан қолмоқда. Агентлик таркибида ташкилотларнинг 27ta сайти ичida олтитаси давлат тилида юритилмагни, биттасида рус тили, 11tасида инглиз

тилидаги талқинлари ишламай турибди. RSS-лента олтита сайдта ишламаётган бўлса, 16tасида UzCERTified, 23tасида кўшимча ресурслар мавжуд эмас. Веб-сайтларга ташриф буюрувчилар сони бўйича Агентлик (бир ойда 6365 ташриф), “Ўзбектелеком” АК (2706), “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ (2524) ва UZINFOCOM (1822) сайтлари олд ўринларда бўлса, “TELMAX ELEKTRONIKS” (21), “Ўзсвязьспутник” (24), “Гранит” (27) веб-сайтлари оммавийлик борасида яхши кўрсаткичларга эга эмас. “Ўзсвязьспутник” ва “Гранит” ташкилотлари веб-сайтлари модернизацияга мухтож. Матъузачилар ушбу камчиликларни тўғрилаш юзасидан ўз тавсияларини берисди.

Семинарда “UNICON.UZ” ДУК директори ўринбосари X.Ҳасановнинг Е-ХАТ химояланган электрон почта тизими, Е-Нијат электрон ҳужжат айланishi тизими ҳамда электрон имзо калитларидан фойдаланишига оид маъруzasи ҳам тингланди.

Лутфилло ТУРСУНОВ

Бошланғич ташкилот тузилди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 1 майдаги “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти самараорлигини янада ошириш тўғрисидаги мажлис баёни ижросини таъминлаш ҳамда ёшларнинг жамиятда туттган ўрнини ошириш мақсадида “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компаниясида “Камолот” ЁИҲ бошланғич ташкилоти тузилди. Компаниянинг иқтидорли ва салоҳиятили ёшларидан Нодир Қосимов бошланғич ташкилотнинг етакчиси этиб сайланди.

Ушбу масалага бағишиланган йигилишида “Камолот” ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгаши бўлими бошлиги Суҳроб Қирғизбоев, Юнусобод тумани кенгаши раиси Фарҳод Фузаиловлар иштирок этишли.

М.ОДИЛОВА

“Алокабанк”да болалар байрами

1 июн куни “Алокабанк” марказий офиси болаларнинг ўйин-кулгиси билан тўлиб-тошиди. Халқаро болаларни ҳимоя килиш кунига багишлаб банк касаба уюшмаси кўмитаси ташкиллаштирган байрам тадбиридан ходимларнинг фарзандлари олам-олам таассурот ва албатта, совғалар билан кайтишиди.

Болажонлар ажойиб қўшиқ ва рақслардан баҳраманд бўлиши, тури үйинлар ўйнашиди, севимли эртак қаҳрамонларининг ташрифи эса даврага яна-да шукух багишлади.

Шу куни банк ходимлари фарзандлари ўртасида ўтказилган расмлар танловининг натижалари ёълон қилинди. Унга кўра, 2-6, 7-10, 11-14 ёшли мўйқалам усталари орасида Денис Грачёв, Нигора Абдураҳимова, Зебинисо Абдивоҳидова ҳамда безакли санъат



йўналишида Наастя Хе голиб деб топилди. Банк бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Махмуд Абдураҳмонов ва касаба уюшмаси кўмитаси раиси Рамиля Саҳобовадар байрам иштирокчилари ва голибларга совғалар топшириб, уларга энг эзгу тиракларни билдиришиди.

Ёш рассомларнинг ижод намуналари “Алоқабанк”нинг Алоқа тархи музейдаги стендидан ўрин оладиган бўлди.

*Собит АҲАДОВ,
«Xabar» муҳбари*

TAJRIBALARGA TAYANIIB

Адашмасам, истиклоннинг илк илларида соҳалар бўйича вилоят раҳбарларининг пойтахтаги олий ўқув юртларига ташрифи ташкил этилганди. Улар биз талаба-ёшларнинг шароитимиз билан танишиб чиққач, ўз вилоятларидан келиб ўқётганданларни йигиб учрашув ўтказишиди. Ўшанда Олимжон Эшоновни илк бор кўрганман. Ваҳдоланки, бу инсоннинг билимдон, тажрибали, ўз ўрнида қатъянга раҳбар эканлиги ҳақида устоzlаримиз эслатиб туришарди. Айниқса, ўқитувчим Сергей Смаршевскийнинг “Яхши ўқинглар, олдинда сиз сурхонда-рёликларни Олимжон Бобохўжаевичнинг имтиyonни кутиб турибди”, деган гаплари ҳар доим хушёрикка чорлаб турарди.

Учрашув сабаб ўша дақиқагача нотаниш бўлган киши ҳақидағи тасавvурим батамом ўзгарди. Олимжон aka ўйлаб юрганимдек, сержаки, қаттиққўл эмас экан. Унинг бағрикенглиги, ширинаханлиги, энг муҳими, тажрибакорлиги дарҳол билинди. Биз билан бўлган

сұхбат худди кечагидай ёдимда. У ўзини асло вилоят электралоқа ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиги, вилоят кенгашини депутати сифатида “баланд” тутмас эди. Аксинча, “Азиз ўғил-қизларим, сизлар Сурхондэр алоқасининг келажагисизлар. Соҳа сирларини чукур ўрганишдан эринман!” деб оталарча меҳрибонлик билан ўғитнасиҳат қиласди. Унутилмас кун оқшомидаги бир пиёла чой устидаги бўлган сұхбат чоги бизга эсадалик совғалари ҳам беришиди. Бўлгуси кадрларга кўрсатилган ўтибордан бафоят қувондик.

Бошқаларни билмадим-у, мен ўтказилган тадбирдан катта сабок олдим. Эл назарига тушиш учун олий маълумотли мутахassislikни эгаллашнинг ўзи кифоя эмас. Балки, ишчанлик баробарида инсонийлик сифатларини ҳам шакллантира билиш керак. Ана шунда омад доими ўйлодш бўллади. ТАТУНИ битириб келганимга ўн йилдан оши. Ўтган мустақил меҳнат фаолиятим мобайнида асосан Термиз кабел участкасида хизмат қилдим. Теле-

фон тармоғини замонавийлаштириш билан боғлиқ мурakkab жараёнларда иштирок этдим. Электрон рақамли телефон имкониятлари элизимни мамнун эттаётган экан, қилаёттан хизматларимиз зос кетмаганидан севиниб қўяман.

Туман телекоммуникациялар боғламасига бошлиқ бўлганимдан бери ҳам бой тажрибаларга таяниб ишлашни канда қўлганим йўқ. Соҳамиз фахрийлари Мамаражаб Исмоилов, Норкўчкор Омоновлар билан маслаҳатлашиб турман. Кейинги бир йилда рўй берган сезиларни ўзгаришларни ҳудди шу ҳамкорлик натижаси десам адашмайман.

Туманимизда интернет хизматига талаб катта. Кўйлаб оиласлар шундай ният билан мурожаат этиштипти. Бу буюртмаларни бажаришга астойдил ҳаракат қиляпмиз. Умид қиласизи, аҳал жамоамиз учун амалдаги Баркамол авлод йили ҳам мувaffakiyatlarga бой бўллади.

**Комилжон МАЛЛАЕВ,
“Сурхондарё Телеком” филиали
Шўрчи телекоммуникациялар
боғламаси бошлиғи**

Аёл – ибоси билан...

Аёл ҳаё, ибо, иффат рамзи саналади. Уни барча кўкларга кўтаради. Уларнинг биттагина ёмон одати ҳам жуда хунук кўринади. Аслида ҳам шундай, аёллар учун фақат чиройли ишлар, гўзл турмуш ярашиди. Лекин...

Гап шундаки, Б.Худоёрова Сергели туманинди ўзи яшаб турган хонандона давлат рўйхатидан ўтмасдан, назорат қилинмайдиган фойда олиши мақсадида турли мазмундаги, шу жумладан, инсонлар онги ва руҳиятига салбий таъсир қилувчи, ахлоқ қоидларига зид бўлган порнографик мазмундаги дискларни ишлаб чиқарувчи яширин цех ташкил қилган ва бозорларда сотиш билан шугулланган.

Департаментнинг Сергели тумани ходимлари тумандали “Ярмака” бозорида ўтказган рейд-текширувилада фуқаролар С.Халилов ҳамда Р.Ходиевлар хеч қандай ҳужжатларга эга бўлмасдан қонунга хилоф равишда турли DVD, CD ва MP3 дискларни сотаётганида кўлга олини. Саводлаги дисклар ўрганиб чиқилганди, уларда турли кўринишларни бадийи ва ҳужжатли фильмлар, мултифильмлар, шу билан бирга, порнографик хусусиятга эга фильмлар мав-

жулиди аниқланди. Сотувчилардан мажбур товарларни қаердан олганни ҳақида сўралганида, улар Сергели туманинда истикомат қилувчи Б.Худоёвадан олишганини айтишиди.

Текширувни давом эттирган ходимларимиз Б.Худоёванинг 3-мавзедаги хонадонига келиб, у ерда тегишил ҳужжатлари бўлмаган умумий суммаси 708.000 сўмлик 590 дона (шундан 30таси порнографик мазмундаги дисклар) турли кўринишларни (DVD, CD ва MP3) дисклар, 2 дона нусха кўчирувчи мослама, процессор ва бошқа наресалар мавжудлителини аниқладилиар ва улар масаласа қонуний ҳал бўлгунга қадар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Конунбузларлар Б.Худоёрова, С.Халилов ҳамда Р.Ходиевларга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзгатилди.

**Мирониоҳ ТЕМУРОВ,
Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛІКК
департаменти Тошкент шаҳар,
Сергели тумани катта инспектори**

Республикамизда иқтидорли, кобилиятли ёшларнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб тарбияланиши, билим олиши ва шугулланиши учун кенг имкониятлар яратилган.

БОЛА КУЛСА ЯШНАР ОЛАМ

2010 йилнинг Баркамол авлод ийли деб ёълон қилиниши бундай имкониятларнинг янада кенгайиб бораётганидан дарак беради. Жумладан, Баркамол авлод ийли Даъстаурда ўсиб келаётгандан ёш авлоднинг жисмонан ва маънан соғлом бўлишида кутубхона ҳамда китобнинг ўрни бекиёс эканлиги, бу борада ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларига юқлатилган вазифалар аниқ белгилаб берилган.

Бобур номидаги Андикон вилюят ахборот-кутубхона маркази 29-умумтаълим мактабида 1 июн – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига багишлаб “Бола кулса яшнар олам” мавзусида брейн-ринг ўтказди. Брейн-рингда 8-синф ўқувчилари икки жамоага бўлиниб, ўзаро беллашидилар. Тўрт босқичдан иборат беллашувнинг шарти ўқувчиларнинг қай даражада китоб билан дўст эканлигини синовдан ўтказиш бўлди. Қизиқарли тарзда ўтган беллашувда 8-“б” синф ўқувчилари галибларни кўлга киритдилар.

Голибларни 29-мактаба директори Тоиба Камолова табриклаб, тадбири ташкил этган АКМ ходимларига ўз миннадорчилигини изҳор этди. Иштирокчиларга марказ томонидан эслалик совғалири топширилди.

* * *

Бобур номидаги Андикон вилюят ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, Андикон шаҳар ҳалқ таълими бўлими ҳамкорлигига шоир Нусрат Абдусалом таваллудининг 65 йиллиги муносабати билан “Багрини додлар қалам” мавзусида ижодий кечак бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Хуршидабону очиб берди. Сўзга чиқсанлар шоирни таваллуд айёми билан табриклаб, унга ижодий сермаҳсуллик тилашиди.

Тадбирда иштирок этган 36-умумтаълим мактаби ҳамда енгил саноат коллежи ўқувчилари Нусрат Абдусалом қаламига мансуб она Ватан ҳақидаги шеър ва фазалардан ўқиб бердилар. Санъаткорлар шоир қўшиқларини кўйига солдилар. Ўқувчилар тадбирда Тўлан Низом, Олимжон Ходдор, Қамчибек Кенжа, Қобил Мирзо, Рустам Эгам каби шоирлар билан юзма-юз учрашиди.

**О.ЙЎЛДОШЕВ,
Бобур номидаги вилоят АКМ
етакчи кутубхоначиси**

НЕФТ ТИЗГИНЛАНДИ

British Petroleum компанияси Мексика кўрғазидаги платформадан сизиб чиқаётган нефтни жиловлашга эриди. Нефт оқаётган тешик цемент аралаштирилган маҳсус суюқлик билан беркитилган.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг 20 апрел куни платформада порглаш содир бўйлан эди. Ҳозирги кунгача уммон бўйлаб 26,5 минг тонна нефт тарқалини оқибатида табиат ва наботот оламига жиддий зарар етиб, балиқчилик ва сайдёнхонада муаммолар юзага келди.

ХУКМ ЎКИЛДИ!

Ироқ суди "Ал-Қоида" террорчиллик гурӯҳи жангаришини ўлим жазосига хукм этди. У 2006 йилда Бағдодда Россия элчихонасининг бир вакилини ўлдириша ва тўрт вакилини ўтирашда айбор деб топиди.

РИА "Новости" хабарида айтилишича, 2006 йилнинг 3 июн куни Россиянинг Бағдоддаги элчихонаси олдида элчихона вакиллари ўтирган зирҳи машинага террорчилар ҳужум уюштиради ва бир ходими ўлдири, қолган тўрт нафарини ўз машинада ўтиргандай. Кейинроқ террорчилар Россия ҳукуматига армиясини Чеченистандан олиб чиқиб кетиш талабини кўяди. Россия уларнинг бу талабини рад этгач, гаровга олингандарни қатл этишиди.

2007 йилда Ироқ армияси жангаришлардан бирини ҳибса олди. Кейинроқ эса АҚШ армияси ҳужуми пайтида улардан яна бири ҳалок бўлгани аниқланди. Хабарларга қараганда, элчихонага ҳужум қўлганлар етти киши бўлган.

**ТЕРРОРЧИЛИК ДЕЯ
БАХОЛАНМОҚДА**

Россиянинг Ставропол шаҳри марказида кучли порглаш рўй берди. Портловчи курилма шаҳар маданият ва спорт саройи яқинидаги "Ақвариум" кафеси олдида ҳаракатта келтирилди. Етти киши ҳалок бўлган, қирқقا яқин одам тан жароҳати олган.

Ҳукуқ-тартибот идоралари мазкур хунрезлини террорчиллик ҳаракати сифати баҳолашмоқда.

ҚАНДАХОРДА ХУНРЕЗЛИК

Афғонистоннинг Қандахор шаҳрида порглаш амалга оширилди.

Маҳаллий оммавий аҳборот воситалари хабарига кўра, кўпурувчилик шаҳардаги компаниялардан бирига қарашли оғис олдида содир этилган. Курбонлар ва жароҳат олганлар ҳақида маълумотлар йўқ. Портлаш туфайли саккизга автомобилга жиддий зарар етган.

**МАКТАБ ДЕВОРИ
КУЛАБ ТУШДИ**

Хитойнинг Гуанси-Чжуан мухтор ҳудудида мактаб биносининг девори кулаб тушган.

Хабар қилинишича, кўнгилсиз воқеа юз берган пайтида мактаб ҳовлисида машғулотлар ўтказилаётган эди. Воқеа оқибатида уч нафар ўқувчи ҳалок бўлди ва 21 киши тан жароҳати олди.

Таъкидланишича, кулаб тушган девор таъмириланётган экан. Ҳозирча, воқеа сабаблари хабар қилинмаяти.

IT-SIYOSAT

ЎЙФОН, ЕВРОПА!

Европа Иттифоқи рақамли иқтисодиётни рағбатлантириш учун 30дан зиёд қонунин қабул қилишга ҳозирлик кўрятти. Собиқ еврокомисар Нили Кроэснинг сўзларига қараганда, бу ўзгиришлар яқин уч йилда амалга ошади.

Енинг режасига кўра, 2020 йилга бориб Европадаги хонадонларнинг яримдан кўти 30 Мбит/сониядан кам бўлмаган тезликдаги интернетга уланиси керак. Бундан ташқари, 2013 йилда универсал кенг полосали қоплаш таъминланиб, европаликлар уйда, ишда ва интернет-кафеда ундан фойдаланиш имкониятига эга бўлишида.

Кроэснинг сўзлашича, ҳозир Европа Иттифоқи замонавий технологияларни ривожлантириш учун АҚШга қараганда 40 фоиз кам инвестиция сарфламоқда. Бу шуни англатадики, европаликларнинг ундан бир қисми интернетдан фойдаланишни билмайди ёки "Кўнгилсиз" нинг фақат бир фоиз аҳолиси хонадонига оптика толали линия тортилган.

Тафовутга барҳам бериш учун Европа ахборот технологиялари, шунингдек, телекоммуникациялар соҳасидаги тадқиқот ва ишланмалар учун харажатларни иккى баравар кўпайтиши лозим. 2020 йилга бориб бу мақсадлар учун йилига камиди 11 миллиард евро сармоя керак бўлади.

БУРГАГА АЧЧИҚ ҚИЛИБ...

Google компанияси Windows амалиётлар тизимидан фойдаланишин батамон тўхтатиб, Linux ва Mac OSларни кўллашга ўтмоқчи. Microsoft ишланмаси барча бўлинмалар ва ходимларнинг компьютерларидан олиб ташланини кўзда тутилган. Айрим гап-сўзларга қараганда, хавфсизлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб шундай қилинмоқда.

2009 йил охири – 2010 йиль бошларда айнан Windows ва Internet Explorer тизимларидаги тўйнуклар орқали хитойлик хакерлар интернет-гигантнинг корпоратив таромогига кириб, ундан маҳфий маълумотлар, шунингдек, компаниянинг бошқа "интеллектуал музиклари"ни ўтирашганди. Шундан сўнг Google халқаро миқёсда жонжал кўтартган ва Хитой бо-

зорида ишлашдан бош тортганди.

Аммо танганинг иккичи томони ҳам бор. Кўп соҳаларда компаниялар манбаати тўқнашади ва муносабатлар рисоладагиек эмас, шу жиҳатдан олиб қараганда, Googlening Windowsдан воз кечишини Microsoft нуғузини пасайтириш йўлидаги баҳона деб ҳам қабул қилиш мумкин.

TEKNOLOGIYALAR

**МОНИТОР USBдан
ТОК ОЛАДИ**

Samsung компанияси ягона USB-кабел билан таъминланган 18,5 дюймлик монитор тақдимотини ўтказди. Интерфейс ҳам мониторга тасвири узатади, ҳам уни электр токи билан таъминлайди. Компания вакилларининг сўзларига қараганда, бундай мониторларни оммавий равишда ишлаб чиқаришга 2011 йилдан киришилади.

IT-BIZNES


**ЭЛЕКТРОН КИТОБ
ЎРНИГА iPad**

Лондондаги Informa Telecoms & Media фирмаси таҳминларига кўра, Kindle, Nook ва шунга ўхашаш электрон китобларга талаб яна тўрт йилгacha юқори бўлади, кейинчалик бошқа тоифадаги электрон қурилмалар, масалан, iPadларнинг кўпайиб кетиши билан улар рақобатига бардош бера олмаслиги мумкин.

Таҳлилчилар 2010 йилда электрон китоблар савдо ҳажми 12,2 миллионга бўлишини чамалашяпти. Ўтган йили 5 миллионта курилма сотилганди, 2013 йили 14 миллионта, 2014 йили эса 13 миллионта янги аср китоби сотилиши кутиляпти.



XAVFSIZLIK

**УНИВЕРСАЛ
ХИМОЯЧИ**

Symantec антивирус компанияси Norton Everywhere деб номланган янги дастурни маҳсулотини ишлаб чиқди. Унинг ўзига хослиги нафақат Windows ва Mac OS X амалиёт тизимларидаги ишловчи компьютерларни, балки йўлдошли курилмалар, интернет-планшетлар, смартфонлар ва ҳоказо интернетта уланувчи электрон воситаларни вируслардан муҳофазалашиди.

Шунингдек, бир пайтинг ўзида турли телевизион ва ўйин қурилмалар, электрон китоблар утун ҳимоя – Live Update тизими устида ҳам иш қизғин кетяпти.

Norton Everywhere ва Live Update шу ойдан истеъмолчиларга тақдим этилиши режалаштирилган.

REYTING

ХИТОЙ ЎЗИНИ**НАМОЁН ЭТМОҚДА**

Ганновер (Германия)да ISC 2010 – суперкомпьютерлар конференцияси очишиши арафасида дунёнинг 500ta энг кучли компютери рейтингни ўзлонганди. Етакчилар ўзгармаса-да, янги рўйхат бир қатор диккатга сазовор жиҳатларга эга. Жумладан, Хитойнинг суперкомпьютерлар ишлаб чиқариш борасидаги сўнгти йиллардаги изланишлари амалий натижаларини бера бошлади.

Сўнгти 15 йилда илк бор суперкомпьютерлар рейтингида Хитой компютери ("Шугун" компаниясида тайёрланган "Синъюан" компютери) иккичи ўрининг кўтарилини бунинг тасдигидир. У кўрсаткичлари бўйича Европанинг АҚШнинг аксарият компютерларини ортга қолдирди.

Рейтингдаги айрим суперкомпьютерларнинг ишлаб чиқариш тезлиги куйидагича:

1. Cray Jaguar (АҚШ Энергетика вазирилиги) – 1,75 петафлоп/сония.

2. "Синъюан" (Хитой) – 1,271 петафлоп/сония.

5. IBM BlueGene/P (Германия, Юлих суперкомпьютер маркази).

13. "Ломоносов" (Россия, Москва Давлат университети) – 414 гигафлоп/сония.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)


ТОШКЕНТДА:**Кўриб, кўз
кувонади**

“Ўзбектелеком” АК “ТШТТ” филиали тасарруфидаги “Алоқачи” ҳамда “Нилуфар” оромгоҳлари Бўстонлиқ туманининг хушмансиза ва баҳаво масканида, тог ён багрида жойлашган. Оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш ишларига бу йил ҳам жиддий эътибор қаратиди.

“Алоқачи” болалар соғломлаштириши оромгоҳи бир навбатда 320 болани қабул қилишга мўлжалланган бўлиб, худули 10 гектарни ташкил этди, оромгоҳда 10та ётоқхона, 320 ўринли ошхона, футбол, волейбол ва баскетбол майдонлари, душхона, бассейн мавжуд.

Оромгоҳдаги иккى қаватли корпусда канализация тизимида тўлиқ ўтказиш ишлари туталаниш арафасида. Ётоқхоналар таъмирдан чиқарилди. Ҳар бир ётоқхона даҳлизи темир соябонлар билан тўйсилди.

Таъмирталаб битта ётоқхона павилонининг шифти, душхона ва ҳожатхоналар тўлиқ таъмирланди. Оромгоҳ бассейнни ҳамда худуд оқава сувларини умумий канализация тизимида улаш учун ички тармок



“ТШТТ” филиали тасарруфидаги “Нилуфар” оромгоҳи

куриш ишлари амалга оширилди. Ҳозирда бассейнни замонавий талабларга мослаштириш мақсадида темир листлар билан қоплаш ишлари олиб борилмоқда ва ушбу ишлар 10 июнгача тутатилиди.

Худуди 7 гектарни ташкил этувчи “Нилуфар” болалар соғломлаштириш оромгоҳи эса бир навбатда 220 болани қабул қиласди. Оромгоҳ 8та ётоқхона, 220 ўринли ошхона, футбол, баскетбол майдонлари, душхона, бассейнга эга. Ҳозирда барча таъмирлаш ишлари якунланган.

2009 йилда ҳар иккى оромгоҳда жами 2080 бола соғломлаштирилиб, шу мақсад учун 183 миллион сўм маблағ сарф этилган бўлса, 2010 йиль ёзги мавсумида жами 2080 нафар болани дам олдириш учун 190 миллион сўм пул сарфланади.

Оромгоҳларда бино ва иншоотларда жорий таъмирлаш ишлари, энергетиклар томонидан зарур ишлар кўлами бажарилди, керакли жиҳозлар сотиб олиш масалалари ҳал этилди. Жумладан, хўжалик моллари, канцелярия буюмлари, спорт анжомлари ва дори-дармонлар билан тўлиқ таъминланди.

Шунингдек, тозалаш ва ободонлаштириш ишлари ҳам олиб борил-

ди ва 2500 тупдан ортиқ гул ва дарахт кўчватлари ўтказилди. Нифис ҳидди атиргулларни, саранжомликни кўриб, кўз күвнайди. Оромгоҳларни кўргазмали воситалар билан таъминлаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Ошхона ва оромгоҳлар худуларини безатиш учун баннерлар тайёрланди.

Тошкент вилоятини Бўстонлиқ туманини санитария эпидемиология маркази мутахассислари томонидан дастлабки кўрик ўтказилиб, берилган кўрсатмалар асосида ишлар амалга оширилди. У ерда хизмат қилиш учун мавсумий ишчилар расмийлаштирилди ва улар томонидан тозалаш ва ободонлаштириш ишлари тутатилиди. Ҳозирги кунда оромгоҳларда жами 50 нафардан ортиқ ишчилар фаoliyati юритмоқда.

чин”, “Нурафшон”, “Кимёгар”, “Алоқачи”, “Ниҳол”, “Охунбобов” ва “Ёш алангачи” оромгоҳларидаги мавсумга тайёргарларни ишларни жойига чиқиб ўрганилди. Жумладан, 20 май куни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агенслиги Қашқадарё вилоят худудий бошқармаси ходимлари “Алоқачи”



“ЎзИ-Карши” филиалига қарашли “Алоқачи” оромгоҳи

Оромгоҳлар тўлар шодликка

— Барча ёзгу ниятларимиз марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан со-

глом қилиб ўстириш, уларнинг баҳту саодати, фаровон келажагини кўриш мақсади ётибди, — дейди “ТШТТ” филиали касаба ўюшмаси қўмитаси раиси Асқар Абдуллаев. — Шу сабаб болалар мириқиб дам олишлари учун барча шароитни яратишга ҳарарат қиляпмиз.

ҚАШҚАДАРЁДА:

“Алоқачи”га марҳабо!

Қашқадарё вилоятидаги болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида 2010 йилги мавсумга тайёргарлик анча эрта бошланди.

2010 йил Баркамол авлод йили Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ёш авлодни маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом ҳолда вояғи ётказиша ётиборни янада кучайтириш, жорий йилда болалар оромгоҳларини мавсумга ўз вақтида тайёрлаш ва ёзги соғломлаштиришни намунали ўтказиш мақсадида вилоят ҳокими ва вилоят касаба ўюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсати 2010 йил 5 февральда кўшма қарорлар қабул қилган эди.

Кўшма қарорга кўра, жорий йилнинг 17-20 май кунлари вилоят касаба ўюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва тармоқлар касаба ўюшмаларининг маъсуз раҳбарлари иштирокида “Шўртан қалдирғочи”, “Ёшлиқ”, “Соҳибқиён”, “Бинокор”, “Беруний”, “Ло-

чи” оромгоҳини қўшимча ўрганиб чиқишиди.

Кўчкор КАРИМОВ,
Вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба ўюшмаси қўмитаси раиси:

— Мавсум давомида алоқа ходимларининг 525 нафар фарзандлари мароқчи дам олишлари учун зарур шароитлар яратилган. Биринчи мавсум учун ўйлланмалар аллақачон тарқатилиб, вилоят ахборот-кутубхона маркази томонидан кўчма кутубхона, ТАТУ Қарши филиали томонидан компютер хоналари шай ҳолатта келтирилди. Ўндан ортиқ тўгараклар фаoliyati, майданий-маърифий тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Смета бўйича бир кунлик овқат учун харажат 3 минг 700 сўмни ташкил этса-да, корхоналар хисобидан маблағ сарфланниб, бир кунлик овқатланиш 8 минг сўм атрофида бўлади. Иккинчи йилдирки, болаларга бешинчи овқатни ташкил этганимиз. Үнда болалар ёти олдидан шарбатлар, ширинликлар билан сийланади. Шартнома асосида Қарши давлат университети ҳамда вилоят ҳалқ таълими бошқармасидан жалб этилган педагог кадрлар танлаб олинди.

Холмизза ҚУРБОНОВ,
“ЎзИ-Қарши” филиали директори:

— Мавсум олдидан оромгоҳ маъмусида тайёргарлик ишлари олиб борилиб, ошхоналар етариф анжомлар билан таъминланган. Электр плиткалар ишлаб турибди. Идиш-тобоқларни ювиш хонасида уч ваннали иссиқ ва совуқ сув таъминоти етарили бўлиб, электр таъминотида узилиши бўлмаслиги учун зарур чоралар олдиндан кўрилди. Қаттиқ ва юмшоқ мебеллар билан таъминлашга эришилди. Филиалимизга қарашли оромгоҳ 120 ўринли бўлиб, унинг ер майдони 7,1 гектарга тенг. ТП-63 кВтга мўлжалланган трансформатор бино ва ташкил ёриттичларни электр энергияси билан таъминланади. Совуқ сув билан доимий таъминлаш мақсадида 63 мм ли сув кувури ётқизил-

ган. 3500дан ортиқ мевали ва манзарали дарахтларга шакл берилиб, оромгоҳ ички ва ташкил йўлаклари асфалт қилинди. 2009 йилда иккى қаватли 80 ўринли янги ётоқхона биноси ишга туширилган бўлиб, тўгараклар, тиббиёт, компьютер, тарбиячилар, ота-оналар ва маърифат хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Шоира НАБИЕВА,
Республика саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали директори:

— Куни кеча Шаҳрисабз туман тиббиёт бирлашмасида ёзги согломлаштириш оромгоҳларида болаларга малакали тиббий ва профилактик хизмат кўрсатиш бўйича семинар ўтказилиди. Үнда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Қашқадарё филиали, вилоят касаба ўюшмалари ташкилотлари бирлашмасидан масъул ходимлар иштирок этиб, вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказининг травматолог-ортопед врачлари синишибишиларда биринчи ёрдам кўрсатиш юзасидан кўриладиган зарур чоралар тўғрисида маъзуза қидилар. Тиббиёт хоналарининг бўй, вазн ўлчагич асбоблари, музлатгич ва бошқа тиббий усуналар, тиш даволаш асбоблари билан таъминланганлиги қайд этилди. Оромгоҳларда “Камолот” ЁИХ, “Соғлом авлод учун” хайрия жамғармаси, “Камалак” болалар ташкилоти вилоят бўлимлари, ИИБ, даволаш профилактика муссасалари ҳамкорлигига ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида келишиб олинди. Институтимиз томонидан оромгоҳларга тарқатмали ахборот материаллари, плакатлар, буклетлар, эслатмалар ва кўлланмалар тарқатилиди.

Ҳа, болаларни ёзги соғломлаштириш масалаларига доимига эътибор қаратилган. Мақсад мавсумини кўнгилли ва мароқли ўтказиши.

**Муборак МИРКАМОЛОВА,
Афтониди ИСМОИЛОВ**

Заседание ученого совета

26 мая 2010г. в государственном унитарном предприятии «UNICON.UZ» состоялось очередное заседание Ученого Совета.

На повестке дня Ученого Совета (УС) рассматривались два вопроса: развитие международного сотрудничества ГУП «UNICON.UZ» — доклад ведущего юрисконсульта научно-исследовательского отдела по международно-правовым вопросам (НИО МПВ) ГУП «UNICON.UZ», кандидата юридических наук, доцента Л.Ф.Исхаковой;

- правовые основы организации деятельности сферы связи и информатизации в Республике Узбекистан — магистрант Ташкентского Государственного юридического института, юрисконсульт НИО МПВ ГУП «UNICON.UZ», Д.Абдалимовой.

Члены УС познакомились с основными аспектами деятельности НИО МПВ, который включает в себя: сотрудничество и взаимодействие с международными организациями в сфере связи и информатизации; сотрудничество на основе договоров и соглашений с зарубежными научными, образовательными учреждениями

и фирмами; а также индивидуальные личные контакты ученых с зарубежными научными, образовательными учреждениями. Также они познакомились с задачами по активизации международного сотрудничества. В том числе выполняемыми научно-исследовательскими работами отдела.

Доклад вызвал интерес к деятельности НИО МПВ. После его завершения ученые обсудили вопросы международного сотрудничества, связи с научно-исследовательскими центрами, организациями, как в странах СНГ, так и зарубежом. Обсуждаемые вопросы стали объектами дискуссии. Ученые отметили развитие деятельности НИО МПВ, который был создан 1 апреля 2009 года.

Второй доклад был посвящен правовым основам организации деятельности сферы связи и информатизации в Республике Узбекистан.

УС познакомился вкратце с

целями и задачами научно-исследовательской работы магистранта ТГЮИ Д.Абдалимовой. В своем выступлении она коротко познакомила с выводами и предложениями в результате проведенного анализа исследования правовой основы организации деятельности в сфере связи и информатизации Республики Узбекистан, изучение правового положения специально уполномоченного государственного органа в сфере связи и информатизации, деятельности государственных органов и других структур сферы в Узбекистане, законодательства, регулирующего отношения в этой отрасли.

После завершения доклада было подчеркнуто, что значимость научной работы повышается тем, что сфера связи и информатизации впервые рассматривается с правовых основ организации. Учеными были даны рекомендации и замечания и по улучшению научной работы магистранта Д.Абдалимовой.

В завершении очередного заседания УС одобрил работы докладчиков.

«БИЛайн» поддержал Чемпионат Узбекистана по e-спорту UCG Shock 2010 Spring

«Билайн» оказал спонсорскую поддержку Чемпионату Узбекистана по e-спорту, проходящему под эгидой Узбекского агентства связи и информатизации.

Турнир UCG Shock 2010 Spring, организованный редакцией журнала «infoCOM.UZ» и клубом «SHOCK», стартовал 29 мая. Ранее, 17 мая, была объявлена регистрация участников по всей территории страны. За 10 дней для участия в чемпионате зарегистрировалось около 800 геймеров по пяти основным играм: Counter Strike 1.6 (командная игра 5x5), Dota All Stars (командная игра 5x5), FIFA 2010, Warcraft III: The Frozen Throne, Need For Speed: Most Wanted.

29 мая прошли первые состязания по одиночным дисциплинам FIFA 2010, Warcraft III: The Frozen Throne и NFS: MW, а 30 мая состоялся турнир по командной игре Dota All Stars. Победителям и призерам были вручены дипломы, а также ценные призы от организаторов и специальные подарки от «Билайн».

6 июня чемпионат завершился турниром по еще одной командной игре — Counter Strike 1.6, для участия в котором зарегистрировалось 54 команды.

ИЗМЕНЕНИЕ условий программы UZ-CERTified

28 мая 2010 года вступают в силу новые условия программы UZ-CERTified. Изменения условий продиктованы необходимостью уведомления пользователей об участии в программе UZ-CERTified сайта, который они посещают. Новая редакция Публичной оферты (PDF) доступна на сайте Службы UZ-CERT.

Целью программы UZ-CERTified является решение одной из наиболее актуальных на сегодняшний день задач — повышение осведомленности пользователей национального сегмента сети Интернет об угрозах, которые могут подстерегать их во время веб-серфинга в Узнете. Однако владельцы многих сайтов-участников программы не устанавливают значок соответствия UZ-CERTified.


В связи с этим в текст Публичной оферты был добавлен пункт 4.11: «Клиент обязуется установить на главную страницу веб-сайта выданный ему Консультантам знак соответствия UZ-CERTified со ссылкой на страницу UZ-CERTified».

В соответствии с условиями оферты (п. 1.4), все сайты-участники программы были уведомлены по электронной почте о предстоящих изменениях в оферте 21 мая 2010 года — за 5 рабочих дней до вступления их в силу.

Таким образом, владельцам сайтов, участвующих в программе, не установившим значок соответствия UZ-CERTified, рекомендуется в ближайшее время обратиться в Службу UZ-CERT по телефону (238-4424, 238-4243) или электронной почте (cert@uzinfocom.uz) для получения HTML-кода данного значка.

Напомним, что программа UZ-CERTified — это бесплатная услуга для владельцев веб-сайтов в зоне «UZ», физически размещенных в Узбекистане. Сайты, принимающие участие в программе, ежеквартально (по запросу владельца ресурса) бесплатно проверяются на нали-

чие уязвимостей и угроз информационной безопасности.



Веб-сайт, зарегистрированный в программе UZ-CERTified, еженедельно проверяется специалистами Службы UZ-CERT на наличие вредоносного кода, что делает сайт безопасным для посещения. На данный момент в программе зарегистрировано 276 сайтов. Полный список всегда можно просмотреть на сайте Службы UZ-CERT в разделе «Программа UZ-CERTified».

Кроме того, приоритет рассмотрения заявки о консультативно-технической поддержке у участника программы UZ-CERTified выше, чем у обычного пользователя, обратившегося с аналогичной заявкой в UZ-CERT.

Справка: Служба реагирования на компьютерные инциденты UZ-CERT при Центре UZINFOCOM была создана в соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан №167 «О дополнительных мерах по обеспечению компьютерной безопасности национальных информационно-коммуникационных систем» от 5 сентября 2005 года. Служба UZ-CERT является единственным центром для пользователей национальных информационных систем и сегмента сети Интернет, обеспечивающим сбор и анализ информации по компьютерным инцидентам, консультативную и техническую поддержку пользователям в предотвращении угроз компьютерной безопасности.

Хотите, чтобы поисковая форма WWW.UZ всегда была с Вами? Вы с легкостью можете установить ее на своем собственном сайте.

Что же представляет собой Поисковая форма WWW.UZ?

ГЕНЕРАТОР КОДА поисковой формы на www.uz

Это форма для поиска информации по заданной теме, как в каталоге ресурсов WWW.UZ, так и по всему УзНЕТу.

Сгенерировать код данной поисковой формы можно при помощи интерактивного генератора кода. Для этого необходимо выполнить 2 простых шага:

выбрать один из трех представленных видов поисковой формы:

Вид формы

[www.uz](#) поиск

[www.uz](#) поиск

[www.uz](#) поиск

задать язык интерфейса поисковой формы — узбекский или русский:

Шаг 1: Настройка внешнего вида

Такой будет ваша поисковая форма

в Узнете в каталоге

Узбек тилида

WWW.UZ также предоставляет возможность встроить поисковую форму в ваш браузер, установив специально созданный плагин. Расширение встраивается в ваш браузер в виде дополнительной опции в панель «Поиска».

Теперь Ваш поиск в УзНЕТе будет проходить еще быстрее.

ФРАНЦИЯ ПОЧТАСИ

(Охири. Бошланиши ўтган соңларда.)

Барқарор ривожланиш иўлида

Барқарор ривожланиш La Poste учун жамиятга хизмат қилишга замонавий ёндашиш, яъни компанияни атроф-муҳитни химоя қилиш талабаридан келиб чиқиб ривожлантириш, мижозларга яқинлашиш, улар учун янгидан янги хизматларни йўлга кўйишни аниглатади.

Таъминотчиларга муносабатда ҳам барқарор ривожланишнинг маъна шу талаблари илгари сурислади, ижтимоий ва экологик омиллар асло ётибордан четда қолмайди. Масалан, La Poste нинг почтачилар учун иш кийими етказиб берувчи компания билан шартномасини олайлик. Униформалар махсус, ётибор беринг, айнан Франция почтаси учун махсус курилган фабрикада фақат

пахтадан тайёрланади.

Барқарор ривожланиш сиёсатини юритиш мақсадида Франция почтасида бюджети чекланган махсус департамент ташкил этилди. Бу борадаги сиёсат ўзини тұлалигича оқлады ва иқтисодий самараордликни оширишга хизмат қиласи. Масалан, транспортларда муқобил ёнилғидан фойдаланиш орқали нафақат ҳавога зарапли газ чиқарилиши озаяди, балки ёнилғига сарфланётган харажатлар ҳам қисқаради.

Бу борадаги ишлар доирасида бандлик мумаммоси, ходимларга қузаған мөхнат шароити яратиш, барча миллат, ирқ, жинс вакилларига бир ҳилда муносабатда бўлиш каби омилларга амал қилинмоқда. Сўнгги ўн йилда Франция почтасида мөхнат қўлувчи хотин-қизлар сони 46,3 фоиздан 50,5 фоизга ўди.

Мавзу доирасида

Жорий ўзгариш январ ойидан Франция парламенти Франция почтасининг юридик мақомини ўзгартирини масдиқлади – ўзгариш марта ойидан кучга кирди ва ташкилот масъулияти чекланган компаниялар гуруҳи мақомини олди. La Poste вакилларининг сўзларига қараганда, бу замонавийлашиш томон ташланган мухим қадам бўлди. Албатта, почта бизнеси давлат қўлида қолгани билан энди кўпроқ инвестиция жалб қилиш имконияти бор. “Франция почта хизмати 2011 йил январидан рақобат учун тўлук очилар экан, демак, у Франция ва хорижда рақобатчилар билан тенг курашга киришиши учун муносиб заминга эга бўлиши керак, – дейді La Poste директорлар кенгашини раиси Жан-Пол Бэйли. – Бунинг учун биз хизматларимизни замонавийлашириш ва самараордлигини ошириши, бир сўз билан айтганда, Европа етакчилари орасида ўрнимизни ўқотмаслик учун кўпроқ инвестиция жалб этишига улгуршишимиз лозим бўлади”.



Франция почтаси даромадлари

Хат-хабарлар:

2007 йил – 11,530 млн. евро
2008 йил – 11,318 млн. евро

Жўнатмалар:

2007 йил – 1,330 млн. евро
2008 йил – 1,412 млн. евро

Почта банки:

2007 йил – 4,712 млн. евро
2008 йил – 4,771 млн. евро

Экспресс:

2007 йил – 3,171 млн. евро
2008 йил – 3,292 млн. евро

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Сўнгти бир неча ўн йилликда ахборот технологиялари саноати жуда катта ўзгаришларга учради. Дарҳақиқат, катта ўй босиб ўтилди – ҳисоблаш техникаларидан тортиб дастлабки “Мейнфрейм” компьютерлари (1960-йиллар)га ишлаб чиқилди, тақсимланган ҳисоблаш, яъни бир ҳисоблаш вазифасининг турли қисмларини бир пайтнинг ўзида ечиш йўллари топилди.

2010 йил – XXI асрнинг дастлабки довонига кўтарилган бир чоғда ортга бир назар ташлаш асосида олдинда бизни ахборот технологияларига доир қандай совбалар кутаёттанини интикли билан кутиб қоламиз.

80-йиллар...

1980-йилларгача биз катта ЭҲМ – “Мейнфреймлар” асрида яшадик. Бизнес-майлумотларнинг таҳминан 90 фоизи маъна шу ЭҲМларда ишланган. Бу компьютерлар улкан бўлгани билан универсал эмас эди ва бир қатор нокулайликларни келтириб чиқарарди. Тутал якуний ҳисоботта эга бўлиш учун ҳафталаш, ҳатто ойлаб кутишга тўғри келарди. Шунда ҳам якуний хулоса 100 фоиз тўғрилиги кафолатланмаслиги лаҳзада қарор чиқариши лозим бўлган йирик корпорациялар учун ҳақиқий бошогриқ эди. “Мейнфрейм”ларга қарши яна бир далил – уларда очиқ тизим тайомли амал қилимаслиги, яъни бошқа платформалар билан мувофиқ келмаслик ҳолати эди.

Шу каби омиллар 80-йилларда техника инқиlobига олиб келди. Аксарият мұхандислар ҳисоблаш кувватларини том маънода тақсилаш устидага кўпроқ бош қотира бошлашди. Айнан шу йил-



ларда компьютер компаниялари мутахассислари ва умидли ёшлар Unix, Wintel (Novell, PC LAN) каби амалиёт тизимлари ҳамда шахсий компьютер (DOS, Windows 386) учун амалиётлар тизимининг десктоп шаклларини ишлаб чиқишига бўлиш уни сақлаш муммоси ҳам келиб чиқди.

Жўшқин 90-йиллар...

90-йилларнинг бошларига келиб, йирик корпорациялар бундай тарқоқ инфратузилма билан узоқка бориб бўлмаслигини тушуниб етишди. Ҳар бир идора ёки ташкилот ўз компютер тузилмасига эга бўлиб, унга хизмат кўрсатишга миллиардлаб маблағ сарфлашга мажбур эди. Тараккий этган, кенг кўламли майлумотларни сақлаш тармогигина янги, замонавий инфратузилмани тойижалашни берарди.

90-йилларнинг ўрталарида корпорациялар ягона корпорация доирасида ахборот технологияла-

ри инфратузилмасини марказлашган бошқаришга ҳаракат қилиб кўришиди. Бу ташкилотлар ва уларнинг бўлимларида ахборот технологиялари харжатларини камайтиришнинг ягона йўли эди. Шунингдек, ахборот тарқатини умумий хавфзизлигини таъминлаш ҳам зарур эди.

Янги марказлашган ахборот технологиялари хизматига қатор муммомларни ҳал этиш вазифаси юқлатилди. Мана улар: амалдаги бюджет асосида ахборот технологияларини кўллаб-кувватлаш қандай амалга ошади? Ахборот майдонида вазифалар қандай тақсимланади? Умумий марказлашган бошқарувнинг афзалликлари ва камчиликлари нимади?

Ҳар қайси компания бу масалага ўзича ёндашганинг табтиқ этишиб лозим бўлган турли-туман IT-усуллар юзага келди.

Янги минг йилликнинг бошланиши

2000 йилга келиб баъзи бир тушунчаларга ойдинлик киритишга уринишлар бўлди. Йирик компанияларнинг топ-менежерлари IT-саноатдаги “тартибсизлик” ҳамон қимматта тушаётганини яхши англаб этишди. Ва бу муммомлар ҳозир ҳам долзарб: нега тақсимланган ҳисоблашнинг амалмайётлари стандартлашмаган, харажатларни ниманинг ҳисобига камайтириш мумкин?

Хуласа

Ташкилотларда корпоратив ахборот тизимларининг ишлаб чиқишини ва жорий этилиши фақат ишончли, хавфзис ва IT-инфратузилма ишлаб чиқарувчанлиги таъминланган шароитдаги на режалаштирилган бизнес-натижаларга эришишин таъминлайди. Бундан хулоса чиқарган кўп компаниялар ҳозир “улгайш” погонасига қадам кўйишиштанига гувоҳмиз.

Саҳифани Собит АҲАДОВ тайёрлади

ТЕМПУС доирасидаги ўкув маркази

Тошкент ахборот технологиялари университетида TEMPUS дастурининг "Кутубхона — ахборот фанлари бўйича янги магистрлик дастури" лойихаси доирасида замонавий компютер техникаси билан жихозланган ўкув маркази очилди.

Лойиха ахборот-кутубхона фанлари бўйича бир қатор Европа мамлакатлари билан ҳамкорликда университетда янги магистратура мутахассислар учун магистрлик дастурини яратиш, таомиллаштиришган иборат. АҚШда ишлаб чиқилиган энг сўнгти русумдаги компютерлар, сканер, принтерлар билан жихозланган ўкув марказининг очилишидан янга бир мақсад таълимнинг ва масофадан ўқитишнинг илор усуллари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда мамлакатимизнинг ахборот-кутубхона мусассасалари учун ююри малақали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарали ўкув дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши.

Лойихада Европадан Италияниг Парма университети, Испанияниг Барселона университети, Норвегия, Буюк Британиянинг Миддлекс университети (LOYIХА МУАЛIFI), Шотландияниг Роберт Гордон университети, Латвияниг Резекне олий таълим институти, Арманистондан Асосий илмий кутубхона, Грузиянд Иля Чавчавадзе номидаги давлат университети ва Грузин кутубхоначилик ассоциацияси, шунингдек, Ўзбекистондан Тошкент ахборот технологиялари университети ва Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти иштирок этмоқда. Лойиха доирасида ҳар иккала олий ўкув юртнинг ахборотлаштириши ва кутубхонашунослик йўналишидан бир гурух ўқитувчilar Шотландияниг Роберт Гордон университетидаги малака ошириб қўйтдила.

Лойиханинг бажарилиши натижасида ишлаб чиқилган янги ўкув дастури асосида янги магистратура мутахассислигини ташкил қилиш, ҳамкор мамлакатларда ўқитувчи ва магистрантларнинг тажриба алмасишини ташкил қилиш, турли ўкув материалларига кириш имкониятини берувчи интернет-компьютер тармоғи марказларини ташкил

этиш, ҳамкор давлатларда ва мамлакатимизда кутубхоначилик ва архив ишини ривожлантириш мақсадида таълим сифати ва самарасини оширишинг механизмларини киритишдан иборат. Ўзбекистон, Арманистон ва Грузия давлатларининг 15 нафар ўқитувчиси учун Европа университетларида магистрлик дастури бўйича ўқиши ташкил этилди, келгусида европалик профессорлар йўналиши бўйича ҳамкор мамлакатларда машгулотлар олиб борадилар, кутубхоначилик ва архив иши бўйича инглиз тили курси ташкил этиш ҳам назаруда тутилган. Европа университетларидаги таълабаларимиз учун ўкув курслари ташкил этилади ва унда замонавий технологиялардан, виртуал таълим тизимида фойдаланниш режалаштирилмоқда.

Марказ очилишида Ўзбекистондаги TEMPUS дастури раҳбари Азиза Абдураҳмонова, ТАТУ раҳбар ходимлари, профессор-ўқитувчилар, ахборотлаштириши ва кутубхонашунослик йўналиши таълабалар, шунингдек, 2010 йилдан бошланган "Марказий Осиёда олий таълимнинг информатика соҳасидаги ташаббуси" лойиҳасининг иштирокчilari қатнашидилар.

Янги магистрлик лойиҳаси бўйича Шотландияда малака оширишида бўлиб қайтан ўқитувчи Д.Хабирова лойиҳа доирасида олиб борган ишлари, Шотландиядаги таълим тизими ҳақида, университетдаги корейс марказининг раҳбари, йўналиши ўқитувчиси С.Халилов ташкил этилаётган ўкув маркази, унинг режалари, иш йўналишлари, мақсади ҳақида тақдимот ўтказдилар, иштирокчilari ning кўплаб саволларига жавоб бердилар.

**З.БЕРДИЕВА,
Ахборотлаштириши ва кутубхонашунослик
йўналиши камти ўқитувчisi
Н.АЛИМОВА,
талааба**

Бухорода ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими мусассасалари ўргасида "Йилининг энг яхши ахборот-ресурс маркази" кўрик-тандовининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда Вобкент майший хизмат қасб-хунар коллежининг ахборот-ресурс маркази галиблини кўлга киритди.

КЎРИК-ТАНЛОВ ГОЛИБЛАРИ

Моҳира Ҳотамова раҳбарлик қилаётган мазкур АРМ ўйрик зиё масканларидан бирни бўлиб, замонавий компютерлар ба бошқа зарур техника жихозлари билан тўлиқ таъминланган. Марказда ахборот олувчилар учун етарли қуайликларнинг яратилганлиги ўкувчи ёшларнинг билим даражаси, дунёкараши, интеллектуал салоҳитини кенгайтиришиша муҳим аҳамияти қасб этмоқда. Бундан ташқари, тармоқ интернетга уланган бўлиб, ахборот-ресурс марказининг ўз сайти ҳам бор.

Мазкур АРМ ҳаммаси бўлиб 94 минг 525ta китобдан иборат фондга эга. Бадий адабиётлар сони ҳам оз эмас, 59 мингтадан ортиқ ана шундай китоблар ўкувчи ёшлар иктиёрида. Ёш китоб мухлислари, ахборот фойдаланувчилари сони бугунги кунда 5 минг 200 нафарни ташкил этилти. Уларга кейинги бир йил давомида жами 120 мингтадан кўпроқ китобнинг берилганлиги ҳам ўкувчилар орасида бадий, илмий-оммабоғ ва турли мавзулардаги асрларни ўқишига қизиқиши тобора кучайиб бораётганини ишботла буриди.

АРМ ходимлари ўз билим даражаларини тобора ошириб, китобхонлар билан ишлашча кутилган натижага ва самарарага эришмоқдалар. Шуларнинг ҳаммаси ушбу зиё масканнинг нуфузли кўрик-тандовда фахрли 1-ўринни олишида асосий омил бўлгани ўз-ўзидан аён. Кўрик-тандов натижаларни мувофиқ 2- ва 3-ўринлардан Бухоро газ саноати ва Коракўл тиббиёт коллежининг ахборот-ресурс марказлари жой олди.

**Асқар ИСТАМОВ,
"Хабар"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири**

Маълумки, Баркамол авлод ўшиларни республикамизнинг тарихий шаҳарлари ва буюк аждодларимиз номи билан боғлиқ мұқаддас қадамжоларга сәхатлар ўзиштириш белтилганган.

Дастур доирасида Сирдарё вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба ўзумаси қўмитаси ва вилоят алоқа корхоналари, ташкилотлари, филиаллари иш берувчилари билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрига сәхат ва зиёрат ташкил қилинди. Бундан кўзланган асосий мақсад алоқа соҳаси ишчи-ходимлари ва ёшлар қалбida ватанпарварлик туйгуларини янада мустаҳкамлаш, уларни миллиатимизнинг бой маданият-маърифий тарихини, миллий қадриятлар, урф-одатлар, буюк аждодларимиз номи билан боғлиқ мұқаддас қадамжолар билан яқиндан таниширишдан иборат бўлди.

Саёҳатчиларимиз Ҳазрати Имом мемориал мажмуаси билан танишиш эканлар, унинг маҳобати, бетакорлиги, шарқона мезъморчиллик услубида бунёд этилганлигидан ҳайратга тушдилар. Мажмуаидан ўрин олган Бароқон мақбараси, Тошкент давлат ислом университети, кутубхона ба ёрда сақланётган Усмон Куръони асл нусхаси билан танишидилар.

Шунингдек, шаҳарнинг "Кўкча" даҳасида жойлашган Шайх Зайнiddин бобо мақбаси ва жомеъ масжиди зиёрати, масжиднинг улкан гумбази, унинг ўзига хос тарзда шарқона таъмйирланганни ҳам саёҳатчиларимизда катта таасус-ротро қўйдилар, мамлакатимизда ислом маданиятига бўлган хурмат, эҳтиром нақдат юқсан эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қўйдилар.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлашти-

Ҳайрат



риш агентлигининг Алоқа тарихи музейида бўлган алоқачиларга мамлакатимизда биринчи яратилган телевизор макети, телефон ва телеграф аппаратурлари, бошқа алоқа воситалари, шунингдек почта конвертлари, маркалари, биринчи почта транспорти ҳақида ишларни музей ходимлари томонидан кенг тушишчилар ва маълумотлар берилди.

Пойтахтнинг диккатга сазовор жойлари, "Мустақиллик" майдони, "Эзгулик аркаси", "Мустақиллик ва Эзгулик" монументи, мустақилликкачча бўлган давр ва ҳозирги Тошкентнинг кўйфасини акс этируви фото кўргазма билан танишиш аносисида қалбимизда фаҳр, ифтихор туйгулари уйонди.

Саёҳатчиларимиз "Хотира майдо-

ни"да Иккинчи жаҳон урушида Ватан озодлиги учун жон олиб, жон берган оталаримиз руҳи покларини зиёрат қўйдилар, Мотамсаро она ҳайкални пойига унинг улган гуллар кўйдилар. Зоро, ўтганларнинг номларини ёд этиш, хотирасини ҳурмат билан эслаш ҳар бир ўзбек ийит-қизининг, фарзандининг мұқаддас бўрчидир.

Ўзбекистон Тарихи музейи билан танишар эканмиз, Даъварзинтепа, Мўнчоқтепа, Кўйқирқилганқалъя, Тупроққалъя сингари қадимий ёдгорликлар, мансизлогоҳлардан топилган ўйрўзгор буюмлари, иш ва ов куроллари, тасвирий ва амалий санъат асрларини кўриб, мамлакатимизда тарихининг бир неча минг йилларга бориб тушиши шига амин бўлдик.

**Улугбек ТАНИҚУЛОВ,
Сирдарё вилоятидаги алоқа ходимлари БКУК раиси**

Шуни таъкидлаш жонизки, Амир Темур бобомизнинг муборак номи нафакат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда катта ҳурмат, эҳтиром билан тилга олинади. 1996 йил Юртбомиси ташаббуси билан Амир Темур йили деб ўзлон қилинганидан сўнг буюк зотнинг Қарши, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида ҳайкаллари қад ростгали. Темурйил тарихи Даъвал музей барпо этилди. Ёшларимиз музейнинг экспонатлари билан танишиш баробарида бу муazzам кошонанинг ниҳоятда салобатли устуллари, нақшнокор ва улкан гумбази, шу гумбазга ўтнатилган улувор ва кўркам, нафис ва мафтунор, турли рангларда жилваланиб турган қандилни кўриб лол қолдилар. Буюк саркарда ва темурий шаҳзодаларнинг Темурйилар давлатини барпо этиш, салтанатни мустаҳкамлаш борасида амалга оширган ишлари ҳақида қизиқарли, қимматли тарихий маълумотларга эга бўлдилар. Музейдан ўрин олган Амир Темур ва темурийлар томонидан барпо этилган тарихий обидалар, иншоотлар макетларини ўз кўзлари билан кўрдилар. Амир Темур хиёбонидан сайдай қилишиб, буюк бобокалонимизни яна бир бор гурур билан хотирадилар.

Бир сўз билан айтганда, сафар тасиротларга бой бўлди. Зиёратчиларимиз саёҳатдан зўр мамнуният ва кўтарикингайти билан қайтадилар. Шу билан биргя, мамлакатимизнинг бой маънавий мероси, қадриятлари, кудрати, тарихи билан яқиндан танишиб, танлаган ўйлимизнинг нақдадар тўғри эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қўйдилар.

UZ – Uzbekistan	COM – Commercial
KG – Kirgizstan	EDU – US Educational
KZ – Kazakhstan	GOV – Government
RU – Russia	INT – International
UA – Ukraine	MIL – US Military
UK – United Kingdom	NET – Network
US United States	ORG – Non-Profit Organization

Ўзбекистон миллий интернет ресурслари:

www.uz – миллий ахборот қидирив тизими
ziyorat.uz – ахборот таълим тармоғи
uforum.uz – муҳокама веб-портали
edu.uz – Ўзбекистон таълим порталари
aci.uz – Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги портали

Миллий ахборот қидирив тизими

Ушбу тизим орқали барча турдаги ахборотларни қидириш ва соҳалар бўйича барча сайтлар рейтингини кўриш мумкин.

*ЎЗААА ва ТАТУ билан ҳамкорликда тайёрланди

32

тарқалган. Энг қулий ва фойдаланишга осон дастур – Microsoft Windows учун Eudoradan фойдаланилади. Windows амалиёт тизимида электрон почта билан ишлазни Microsoft Outlook Express иловаси таъминлайди. Бу дастурлар қўйидаги вазифаларни бажаради:

- матнни яратиш;
- хат-хабарларни (корреспонденцияларни) ўқиш ва саклаш;
- хат-хабарларни ўчириш;
- манзилни киритиш;
- хат-хабарларни қабул қилиш ва жўнатиш;
- турли ҳужжатларни, жадвалларни, расмларни ва бошқа файлларни импорт (қабул қилиш ва керакли форматга ўзгартириш), хатта илова қилиш.

Одатда, электрон почта дастурлари ASCII кодидаги матнларни иккилик форматда хам жўнатади. ASCII кодида фақат матнларни ёзиш мумкин.

Иккилик файлларда ҳар қандай ахборотни саклаш мумкин, шу боис аралаш хабарларни (графика ва матн) ва дастурларни узатиш учун иккилик тизим кўлланилади.

Электрон почта – бу интернет тармоғи орқали хабарлар алмашиш хизмати ҳисобланниб, асосан иккита компонент иштироқида ташкил этилади:

- Электрон почта сервери – хабарларни жўнатиш ва қабул қилишини таъминлаш
- Электрон почта клиенти – хабарларни яратиш, ўқиш ва жавоб қайтариш
- Электрон почта хизмати қўйидаги имкониятларни тақдим этиади:

 - Хабарларни тезкор алмашиш (бир неча дақика)
 - Хабарларга кўшимча маълумотларни илова қилиш
 - Хабарларга расм ва мультимедиа маълумотларини жойлаштириш

30

КОМПЬЮТЕР**САВОДХОНЛИГИ**

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).

WWW хизмати ташкил этилгандан сўнг эса (1996 йил), ҳар ярим йилда интернет фойдаланувчиларининг сони 1,5 баробарга ортиб борди. Бугунги кунда интернет тармоғининг фойдаланувчилар сони 300 миллионга етди.

WWW хизматининг асосий тушунчалари:

- HTML формати
- Гиперматн болганиши
- HTTP гиперматн узатиш протоколи
- Web-маълумотлар
- Web-узел ва сайтлар
- Web-саҳифаларнинг фаол компонентлари

HTML формати тушунчаси

Web-саҳифа – алоҳида туталланган гиперматнли хужжатлар бўлиб, улар биргаликда сайтни ташкил этадилар. Ҳар гал интернетда ишлаш жараёнида сиз, албатта, Web-саҳифалардан бирини экранда кўрасиз.

Сайтнинг ташкил этиучиси бўлган Web-саҳифанинг ўзи алоҳида экранга чиқарилиши хам мумкин. Ҳар бир Web-саҳифа ўз манзилига эга. Умуман, Web-саҳифа яратиш учун HTML (Hyper Text Markup Language – маъноси гиперматнни белгилаш тили) ишлатилади. Бу тил 1989 йилда

25

HTTP гиперматн узатиш протоколи

HTTP (Hypertext Transfer Protocol) — Гиперматнларни узатиш протоколи — тармоқ протоколлари ичидаги энг содда ва қулий протоколлардан ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси гипербогланишдан ҳосил бўлган URL-манзилли электрон маълумотларни ўқишига оид сўров (запрос)ни серверга жўнатиш (худди шу вақтда сўралаётган маълумот жойлашган сервер билан алоқа ўрнатилади) ва сўралаётган маълумот олиб бўлингандан сўнг сервер билан алоқани узишдан иборат.

Гиперматнли боғланиш тушунчаси

Интернетда электрон маълумотлар гиперматн ёрдамида баён этилади. Гиперматн бу матнни гипербогланишлар ёрдамида ифодалашдир. Гипербогланишлар ички ва ташкил бўлиши мумкин. Агар гипербогланиш бошқа бир серверда мавжуд бўлган алоҳида ўзининг URL-манзилга эга бўлган электрон маълумотга нисбатан ишлайдиган бўлса, у ҳолда бундай гипербогланиш ташкил деб аталади. Байзи ҳолларда Web-маълумот мувалифлари кулийлик нуқтаи назаридан бир сервернинг ўзида жойлашган электрон маълумотнинг ўзини хам бир неча бўлакларга бўлиб, гипербогланишлар ёрдамида ифодалайдилар, бундай гипербогланишлар ички деб аталади.

Web-маълумотлар

HTML форматидаги тайёрланган электрон маълумот HTML маълумот, Web-маълумот ёки Web-саҳифа деб аталиши мумкин.

Агар электрон маълумотни тайёрлаш ҳақида гап борса, у ҳолда маълумот HTML-маълумот деб аталади ва ушбу электрон маълумотни интернетда эълон қилиш ёки тарқатиш ҳақида борса, ҳолда бу маълумот Web-маълумот деб аталади. Бордиу, ушбу маълумотдан фойдаланиши ҳақида борса, у ҳолда бундай электрон маълумот Web-саҳифа деб аталади.

27

Женевада Тим Бернерс-Ли (Tim Berners-Lee) томонидан яратилган. Кейинчалик Тим Бернерс-Ли «Интернет отаси» номига сазовор бўлган. Тил дастурлаш тили эмас, факат Web-саҳифа яратиш учун мўлжалланган. Web-саҳифада бирор маълумотларни қайта ишилаш алгоритмлари ни ўрнатиш учун Java тилида тузилган дастурлардан фойдаланилади.

HTML тили ўзининг синтаксиси ва семантикасига эга. Унинг таркибини бир неча элементлар ташкил этади. Хар бир Web-саҳифа чекли сондаги элементлардан ташкил топади. Тилнинг асосий тушунчаларидан бирни Tag (Tag) хисобланади. Tag – элементнинг боши ва охирини кўрсатувчи белгидир. Tag элементнинг саҳифадаги таъсир кўрсатиш доирасини аниқлайди ва бир элементдан бошқа элементни ажратиб туради. Web-саҳифанинг матнида tag < va > белгилари орасига олинни ёзилади. Tag охири эса "/" (оғма чизик) белгиси билан якунланади.

Атрибут тушунчаси тилда элементнинг параметрини ёки хусусиятини аниқлайди. Масалан, шрифт атрибути деганда, биз шрифт катталиги, тури, ранги, ёзилиш усулини тушунамиз. Web-саҳифадаги бошқа бир асосий тушунча гиперҳавола (гиперссылка) тушунчасидир. Гиперҳавола матнинг бир бўлгага бўлиб, ундан бошқа бир файлга ёки обьектга мурожаат қилиш мумкинligини англатади. Гиперҳавола бир хужжатдан бошқа бир хужжатга ўтишда ёки аксинча қайтиша ишлатилади. Фрейм (Frame) тушунчаси тилда иккича хил маънода ишлатилади. Биринчиси хужжатни алоҳида ўз ойнасида кўриб чиқиши соҳаси бўлса, иккичиси мураккаб графики (анимацияли) файлда қайта ишилаш ва тасвирлаш. HTML тилида яратилган Web-саҳифа ташкил хотирага .html кенгайтма номи билан сақлаб қўйилади.

26

Web-узел ёки сайлар

Битта муаллиф ёки WWWга тегишли бўлган бир гурух ўзаро гипербогланишлар билан алокадор бўлган Web-саҳифалар мажмуаси Web-узел (түгун) ёки сайт деб аталади.

Web-сервер

Web-сервер тушунчасини иккича хил маънода ишлатиш мумкин. Агар www хизматини кўрсатиш ҳакида гап борса, у ҳолда Web сервер тармоқ мижозларига Web-саҳифа ва сайлардан фойдаланиши имкониятини яратиб берувчи дастур маъносини англатади. Агар сўз интернетнинг техник таъминоти ҳакида борса, у ҳолда Web-сервер Web-ресурслари сакланадиган ва унинг дастур таъминоти ишлаб турган компьютер маъносини англатади. Интернет тармоғининг ихтиёрий бир компьютерида бир неча сервер дастурлар ишлаб туриши мумкин. Масалан, Web-сервер дастурлар, FTP сервис электрон почта сервери дастур таъминотлари ва х.к. Битта Web-серверда (компьютерда) бир қанча ташкилот ёки корхоналарнинг Web-сайтлари (узеллари) Web-саҳифалари жойлашиши мумкин.


Web-саҳифанинг фаол компонентлари

Маълумки, Web-саҳифа таркибига HTTP протоколи орқали амалга ошириб бўлмайдиган алоҳида обьектларни жойлаштириш мумкин. Агар худди шу Web-саҳифа таркибига бирюзтирилган обьектлар HTTP протоколи кодларидан фарқли дастур бўлса, у ҳолда бундай обьект Web-саҳифаларнинг фаол компонентлари (объектлари) деб аталади.

Ушбу фаол обьектлар ёрдамида Web-саҳифаларни жойлаштириш мумкин.

Масалан, анимация, мултипликация ва видео фрагментларни жойлаштириш ёки мижоз билан интерфаол-

- Хабарларни бир гурух фойдаланувчиларга узатиш
- Хабарларни қидириш ва сақлаш



Электрон почта орқали хабарларни узатиш ва қабул қилиш

Электрон почта манзили

Электрон почта манзили почта кутиси номи ва почта сервери манзилидан иборат бўлади.

name@domain3.domain2.domain1



Хабар таркиби

Электрон почта хабари таркиби:

- Кимга майдонига қабул қилувчи манзили киритилади
- Нусха майдонига учинчи шахс манзили кўрсатилади
- Мавзу майдонига хабар мавзуси ёзилади
- Хабар майдонига асосий маълумот киритилади.

Интернет домен номлари

Интернет домен номлари интернет манзилларида ишлатилиб, улар мамлакат номларини, ташкилот ва корхоналар фаолиятини англатади.

31

мулоқотни ташкил этиш, физика, химия ёки техникага оид ҳар хил тажрибаларни намойиш этиш ва ҳ.к.

Web-сервер билан ишлаб мобайнида Telnettra четдан уланишини бажариш, тармоқ мижозларига электрон почта юбориши, FTP-аноним ёрдамида файлларни олиш ва интернетнинг бошқа бир катор иловаларида (амалий дастурлар) иш бажариш мумкин. Бу wwwни интернетнинг интеграл хизмати деб хисоблашга имкон беради.

Электрон почта

Интернетнинг асосий хизматларидан бири бу Электрон почтадир. **Электрон почта** (email – electronic mail) оддий почта вазифасини бажаради. У бир манзилдан иккичишига маълумотларни жўнатилишини таъминлайди. Унинг энг асосий афзалиги вақтга боғлиқ эмаслигига. Электрон хатлар жўнатилган заҳотиёқ манзилга боради ва эгаси олгунга қадар унинг почта кутисида сакланади. Матнли хат, графики ва товуши файлларни, дастур файлларини ўз ичига олиши мумкин.

Электрон хатлар бир вақтнинг ўзида бир неча манзиллар бўйича жўнатилиши мумкин. Интернет фойдаланувчи си электрон почта орқали тармоқнинг турли хизматларидан фойдаланиши имкониятига эга бўлади, чунки интернетнинг асосий хизмат дастурлари билан интерфейсга эга. Бундай ёндашувнинг моҳияти шундаки, хосткомпьютерга талаб электрон хат кўринишида жўнатилади. Хат матни зарур функцияларга кириши таъминловчи стандарт ёзувлар тўпламидан тузилади. Бундай ахборотни компьютер бўйруқ сифатида қабул қиласи ва бажаради.

Электрон почта билан ишлаш учун дастурлар яратилган, уларни mail умумлашма номи билан бирлаштириш мумкин. MS OOБда фойдаланувчилар учун bml дастури кўлланилса, Unix тизимлар учун elm дастури кенгрок

28

29

Ёшлик ва шижаот байрами

Мамлакатимизда бешинчи бор ўтказилган "Универсиада" ўйинлари, мана, ўн йилдирки, нафакат унинг иштирокчилари, балки барча ўғил-қизларимиз, бутун халқимиз ҳәстидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, Ўзбекистон талаба-ёшларининг нуфузли спорт анжуманига, табири жоиз бўлса, кичик олимпиадага алланди десак, асло муболага бўлмайди.

Вилоятимизда бундай нуфузли мусобақани тайёрлаш ва ўтказиш, албатта, алоқа соҳасида меҳнат қилаётган ишчи ходимлар зиммасига ҳам қатор вазифаларни юклади. Мусобақа иштирокчиларини сифатли телефон алоқа воситалари ва интернет хизмати билан таъминлаш "Андижон Телеком" филиали ходимлари томонидан юқори даражада амалга оширилди.

Филиал ходимлари томонидан спорт мусобақалари бўлиб ўтадиган 31ta олий ва ўрта-махсус ўкув юртларининг спорт иншоатлари ва ёткоҳоналари сифатли телефон алоқаси ва шундан 14аси юқори тезликтаги интернет тармоғига уланди. Бу, албатта, кувонарли ҳол, университетда иштирокчилари мусобақа кунларни ўз яқинлари билан телефон орқали сұхбат куриш ва интернет тармоғи орқали турли маълумотлар алмашиб, ҳар бир спорт тури учун маҳсус яратилган электрон почта (e-mail) орқали ўз тенгдошлари билан замо-



лар назорати остида бўлди.

"Андижон Телеком" филиали томонидан ҳомийлик асосида мусобақа ўтказилиши режалаштирилган 31ta олий ва ўрта-махсус ўкув юртларининг спорт иншоатлари ва ёткоҳоналари сифатли телефон алоқаси ва шундан 14аси юқори тезликтаги интернет тармоғига уланди. Бу, албатта, кувонарли ҳол, университетда иштирокчилари мусобақа кунларни ўз яқинлари билан телефон орқали сұхбат куриш ва интернет тармоғи орқали турли маълумотлар алмашиб, ҳар бир спорт тури учун маҳсус яратилган электрон почта (e-mail) орқали ўз тенгдошлари билан замо-

навий интернет орқали мулокот килиш имкониятига эга бўлдилар.

Андижон шаҳри кўчаларида қад ростлаган замонавий кўринишдаги сўзлашув масканлари мусобақа қатнашчилари учун республикамизнинг турли вилоятлари ва дунёнинг исталган бурчагига сўзлашувларни амала ошириша сифатли хизмат кўрсатди. Бу хизматларни йўлга қўйиша «Андижон Телеком» филиали ходимларининг меҳнатлари катта бўлди.

Беллашувларда Қарақалпогистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари таркибида 1800 нафарга яқин йигит-қиз ўзаро кураш олиб борди. Мусобақалар спортнинг 12

тури бўйича ўтказилди. Спортичлабалар Олимпиада ўйинлари тамойиллари асосида ҳалол беллашиб, юксак спорт маҳоратини намойиш этдилар. Беллашувлар жарабенида иқтидорли спортчилар 176 олтин, 176 кумуш ва 191 бронза медалларига сазовор бўлиши. Беллашувлар натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Тошкент шаҳри жамоаси этгалиди. Иккинчи ўрин Андижон вилояти, учинчи ўрин эса Навоий вилояти вакилларига насиб этиди.

Шуҳратбек АҲМАДЖОНОВ,
"Андижон Телеком" филиали
ЗАБ мутахассиси

FUTZAL

Футзалчиларимизда кумуш

Футзал бўйича пойтахтимиз мезбонлик қўлган Осиё чемпионати муваффақиятли ўтди. Ҳам ташкилий жиҳатдан, ҳам муҳлисларнинг кўллаб-куватлости борасида алоҳида эътирофа сазовор бўлган турнирда терма жамоамиз вакиллари чиройли ўйинлари намойиш эта олиши.

Гурух ўйинларида биринчи ўринни банд этган Сапо шоғирдлари аввалига чорак финалда Австралия терма жамоасини, ярим финалда Хитойни мағлуб этиб финалга йўл олишиб. Табиийки, вакилларимизнинг финалдаги рақиби тўққиз карга Осиё чемпиони – Эрон эди. Финал ўйини бошланши олидан Мухаммад бин Ҳаммам бошчилигида Осиё футбол конфедерацияси мутасаддилари ва ЎФФ президенти Мирабор Мустоновлар финалчиларга омад тилауди.

Ўйин бошланшиди ҳаморларимиз рақиб дарвозаси олдила ҳужумлар уюштира бошлаши. Шундай яқъол устунлик тўрт ярим даққика давом этди ва иккى марта форслар дарвозаси ишғол қилинди! Дастреб ён чизиқдан узатиб берилган тўпни Дилшод тўрга туширган ҳужумдан сўнг Нодир Элибоев дарвозабон билан бирга-бир вазиятта чиқиб борди ва уни доғда қўлдири.

Шамс Ҳусайн ўша заҳоти тайм-аут олди. Бир дақиқалик танаффусдан сўнг давом этган ўйинда форслар чиройли комбинация орқали Жаводни дарвозабон билан бирга-бир вазиятта чиқаришиди ва у имкониятни кўлдан чиқармади – 2:1. Шундан сўнг эронликлар устунликни кўлларига олишиб ва бир тўп фарқидаги галаба билан танаффусга чиқиб кетиши.

Худди ўйин бошида бўлгани каби, вакилларимиз иккичи бўйимли кўтарикин кайфиятда бошлаши. Рақибнинг кучли прессинги остидан чиқиб кетсан вакилларимиз Элибоевни ажойиб вазиятта чиқариши. У эса ўз олдидаги бир химоячини алдаб ўтиб, дарвозани ишғол қили – 3:3. Аммо, "Ўзбекистон" залини тўлдириб ўтирган минглаб футбол муҳлисларининг куончи кўлга чўзилмади. Эроннинг моҳир футзалчилари аслида нималарга қодир эканликларини кўрсатиб кетма-кет гол киритиши. Якуний ҳисоб – 3:8! Ўзбекистон футзалчилари учинчи бор Осиёда иккичи бўлишиб.

SAMBO

Кучли полвонлар Тошкентда

«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида Осиё очиқ чемпионати ўтказилмоқда. Тўрт кун давом этадиган мусобақада Ўзбекистон, Россия, Япония, Жанубий Корея, Хиндистон, Афғонистон, Эрон, Сурия, Ирек, Малайзия, Сингапур, Мўгулистан, Туркманистон, Қозогистон, Қирғизистон каби йиғирмага яқин давлатдан 500 нафар спортчи галиблар учун кун синашади.

Мусобақанинг биринчи куни катталар ўртасида дастлабки галиблар аниқланди. 52 килограмм вазн тоғифасида гиламга чиққан ҳамортиимиш Шавкат Жўрасев россиянилк Эдуард Жавкин ва қозогистонлик Эдуард Сафаровни мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Хотин-қизлар баҳсида Дилдора Убайдуллаева ва Ўғилжон Рўзметова ўз вазн тоғифасида барча рақибаларини сенгиб, шоҳсупанинг юқори побоносидан жой олди.

FUTBOL

Сколари кетди, Миржалол кайтди

Сколари "Бунёдкор" жамоасини тарк этгач, Миржалол Қосимов жамоа бош мураббий лавозимини этгалиди.

Қосимов жамоани бунгача 2007 йилнинг 4 декабридан кейинги мавсумнинг 24 сентябрига бошқарган эди. Кейин эса 2009 йил 13 апрелдан клубда ёрдами мурраббий вазифасида фаолият олиб борганди.

Эрматов Африкага йўл олди

Ҳамортиимиш Равшан Эрматов ёрдамчилари – Рафаэл Илёсов ва Баҳодир Қўчкоровлар билан биргаликда Жанубий Африкага йўл олдилар.

Ҳамортиимиш Йоҳоннесбургга этиб боришиларидан бир кун ўтиб, янни 3 июн кунининг ўзидаёт дастлабки машгулотларга киришишади. Жаҳон Чемпионати бошлангунга қадар яхши формага кириб олиши мақсадида босқичма-босқич топширикларни мураккаблашиб бориши кўзда тутилган.

Барча ҳакамлар Преториядаги лагерда истиқомат қилишади. Агар бошқа шаҳардаги ўйинларга тайинланган бўлишича, шундагина улар қисқа муддат ўз жойларини ўзgartаришини мумкин бўлади. Ўйинлар ниҳоясига етган ҳакамлар ўз лагерларига қайтиб келишиши ва ўтган ўйинни назарий ва амалий жиҳатдан таҳтил қилишади.

Моурину "Real" бош мураббийи!

Португалиялик мураббий Жозе Моурину "Real" билан тўрт йиллик шартнома имзолади.

Эслатиб ўтмиз, 47 ёшли мутахассис ўтган мавсумда "Интер" билан Италия чемпионати, Италия кубоги ва Чемпионлар Лигасида галабага эришиди.

Эълон

Гулхумор Мирзахметовага ТАТУ томонидан 2007 йил 20 октябрда берилган 47 T 262 рақамли рейтинг дафтарчasi ўйқолгандиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АҲБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиласиди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-карори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолияти лицензиялаш тўғрисида низом" нинг 48-бандига асосан "Ишонч" телерадиокомпанияси (Сурхондарё вилояти) теледастурлар тараккици тармоқларини лойиҳалаш, куриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2006 йил 24 марта берилган АА серияли 0001446 рақамли лицензиянинг амал қилиши тикланди.

O'ZBEKISTON DURDONALARI

Миноралар садобами

Миноралар... асрлар давомида шарқ халқарининг, жумладан, юртимиз ахолисининг ҳам гурури, ифтихори бўйиб келган улар. Виқор билан кўкка бўй чўзуб турган минораларни кўпчилик умрбокийликка, нозиктаб шоирларимиз эса сарвкоматга ўхшатишиди.

Кадим-қадимдан миноралар одамлар учун маёқ вазифасини ўтаган. Яъни, қоронги пайтда шаҳарга келувчи мусоифирлар уларга қараб йўл топгандар. Шунингдек, улар муаззиннинг азон товушини ҳамма эшиши учун минбар вазифасини ўтаган.

Дунё миёссида кўп асрлик миноралар кўп. Улардан 1127 йилда курилган Минораи Каён (Бухоро шаҳри), 1852-1855 йилларда курилган Калтаминор (Хива), 1193 йилда курилган Минораи Кутуб (Хиндистон), 1373 йилда курилган Ёвли (Туркия), 1321-1326 йилларда курилган Кутлуғ Темур (Туркманистон) миноралари шулар жумласидандир.

1399-1404 йилларда Соҳибки-

рон Амир Темур томонидан бар-по этилган Амир Темур Жомеъ масжиди Ўрта Осиё худудида яратилган улкан мезмзорий обидалар сирасига киради. Унинг тўрт томонида тўртта минора қад ростлаган. Масжиднинг икки улкан — ташки ва ички ражоқларида ҳам тўрт минораси бор. Самарқанднинг кўхна мавзеларидан бири бўлмиш Якка-минор гузари бевосита ушбу обида билан боғлиқ.

Минораларни асл ҳолида сақлаш учун унга доимий эътибор зарур, албатта. Масалан, Самарқанднинг Регистон ансамблида 10та минора бўлган бўлса, бутунгунга келиб, унинг бтаси сақланни қолгар.

1918 йилда Улугбек мадрасасининг шимоли-шарқий қисмидаги минора ога бошлаган. Оғиш шу даражага етганки, минора асосий ўқидан 1,8 метрга оғиб, ҳатто кулақ кетишига хавфи туғилган. Унинг оғишини тўхтатиши учун айланасига тахта билан ўраб, 36 тонналик 24та темир сим билан ерга қозиқ қилиб, боғлаб қўйил-



ган. Самарқанд вилояти архитектори М. Мауэр таклифига асосан минора улкан домкратлар орқали жойига тикланган.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг юртимиздаги қадими маданий ёдгорликлар, жумладан, салобатли минораларни ҳам асл ҳолига қайтариши учун таъмишлиша ишларига катта эътибор берилди. Қўли гул уста хунармандларимиз ҳатто қадимдаги бўёқлар жилоси сирини ҳам аниқлаб, сифатли бўёқ яратишга эришдилар. Бугунгунда мамлакатимиздаги барча миноралар ўтмиш авлодларимиз ақдузаковати, билимдонлигидан дарак берган ҳолда виқор билан кўкка бўй чўзиб турибди.

BILASIZMI?

• Телефон ихтирочиси Грэхем Белл бирор марта ҳам онаси ва рафиқасига сим қўқмаган. Сабаби улар кар бўлишган.

• Англиялик ёзувчи аёл Виржиния Вулф деярли барча китобларини тик турган ҳолда ёзган.

• Уолт Дисней болалигига уккени ўлдириб кўйган. Шу боис у барча мултфилмларни жониворларни тирилтиришга ҳаракат қилиади.

• Шекспир ва Сервантес бир кунда, яъни 1616 йил 23 апрелда дунёдан кўз юмган.

Табрик майлиш!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Наманган филиали жамоаси филиалининг назораттахмал гурухи мутахассиси Абдумалик ПУЛАТОВни 50 ёши билан чин дилдан қутлайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, оиласавий баҳт ва меҳнат фаолиятида улкан зафарлар тилайди.

“ШПТТ” филиали жамоаси 46-АТС линияси мұхандиси Равшан АРИПОВни 55 ёши билан қизғин муборакбод этади. Унга узоқ умр, оиласавий баҳт ва меҳнат фаолиятида юксак мұваффақиятлар тилайди.



XANDALAR

БЕМОРГА ЁРДАМ УЧУН

— Нима учун касалнинг олдида шифокорлар лотин тилидаги сўзларни кўп ишлатишади?

— Беморларга ёрдам учун. Шифокорлар ўз бемори ўзик тилини тезроқ ўзлашибирсан дейди-да!

Фойдалани маслаҳатлар

• Сўлиб қолган кўк пиёз, кашнич, укропларни сиркали сувга ботириб қўйсангиз, «тирилиб» кетади.

• Тортга чиройли суратлар солмоқчи бўлсангиз, аввал қофоздан трафарет ясад олинг. Кейин ўша трафаретни тортнинг устига кўйиб, қанд уласи ёки какао кукуни сепсангиз, чиройли суратлар ҳосил бўлади.

• Кирланган юмшоқ ўйинчоқларни ёстиқ жилдига солиб, кир ювадиган машинада ёки кўлда ювиш керак.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АҲБОРЛОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош мұхаррир:
Абдусаид КЎЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва аҳборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рӯйхатта олинган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Ҳаким МУХИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХЎЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шукрат СОДИКОВ, Шукрат АТАМОҲАМЕДОВ, Суон НАЖБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Содикжон ҚОСИМОВ, Абдулани АБДУРАҲМОНОВ (Бош мұхаррир үринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятта келган кўлзёма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланниши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олингандигит кўрсатилиши шарт.

Тикорий материал — ①
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета ҳафтининг жума куни чиқади
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Маизил: Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-502 сонли буортма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқи. Адади: 17018 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёлкор шохкӯчаси, 8-й.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

ISSN 2010-6424

Босишига топширилди — 20.00.
Босишига топширилиш вақти — 20.00.